

О‘ЗБЕКИСТОН АГРАР ФАНИ ХАБАРНОМАСИ

№ 5 (11) 2023



**ВЕСТНИК АГРАРНОЙ НАУКИ
УЗБЕКИСТАНА**

**BULLETIN OF THE AGRARIAN SCIENCE OF
UZBEKISTAN**



**LYIHA RAHBARI VA
TASHABBUSKORI:**

O'zbekiston Respublikasi
Qishloq xo'jaligi vazirligi
Toshkent davlat agrar universiteti

BOSH MUHARRIR:

Kamoliddin SULTONOV
Bosh muharrir o'rinbosari:
Laziza G'OFUROVA

IJROCHI DIRECTOR:

Baxtiyor NURMATOV

MAS'UL KOTIB:

Ubaydullo RAHMONOV

DIZAYNER-SAHIFALOVCHI:

Denislam ALIMKULOV

Nashr O'zbekiston Respublikasi Oliy
attestatsiya komissiyasining ilmiy jurnallar
ro'yhatiga olingan.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti
huzuridagi Axborot va ommaviy
kommunikatsiyalar agentligi tomonidan
2022-yil 25 fevralda 1548-sonli guvohnoma
bilan qayta ro'yxatga olingan.

Jurnal 2000 yil aprel oyidan tashkil topgan jurnal
bir yilda 6 marta chop etiladi.

Bosishga ruxsat etildi: 07.10.2023.
Qog'oz bichimi 60x84¹/₄

Offset usulida cosildi. Biyurtma №
Adadi: 100 nusxa.

«Agrar fani xabarnomasi» MCHJ bosmaxonasida
chop etildi.

Korxonalar manzili: Toshkent viloyati, Qibray
tumani, Universitet ko'chasi, 2-uy

O'ZBEKISTON AGRAR FANI XABARNOMASI

№ 5 (11) 2023

Ilmiy-amaliy jurnal

Tahrir hay'ati raisi:

Воигов Азиз Ботирович
O'zbekiston Respublikasi
Qishloq xo'jaligi vaziri

Tahrir hay'ati a'zolari:

Sh.Teshaev	M.Mazirov
K.Sultonov	Sh.Nurmatov
S.Islamov	U.Norqulov
A.Abduvasikov	E.Berdiev
F.Nurjonov	S.Sharipov
U.Djumaniyozov	T.Shamsiddinov
A.Xasanov	Y.Yuldashev
S.Yuldasheva	U.Ballasov
X.Bo'riev	E.Axmedov
I.Vasenov	K.Buxorov
R.Dustmurotov	S.Jo'raev
A.Qayumov	M.Odinaev
I.Karabaev	Ch.Begimqulov
S.Yunusov	B.Kamoliv
I.Rustamova	B.Qaxramonov
N.Rajabov	S.Isamuxamedov
M.Yuldashov	

Ta'asischi:

Agrar fani xabarnomasi MCHJ

Manzil: 100164, Toshkent, Universitet ko'chasi 2-uy,
ToshDAU.

Tel: (+99871) 260-44-95. Faks: 260-38-60.

e-mail: nurmatovbaxtiyor868@gmail.com

Maqolada keltirilgan fakt va raqamlar uchun
mualliflar javobgardir.

**ВЕСТНИК АГРАРНОЙ НАУКИ
УЗБЕКИСТАНА**

**BULLETIN OF THE AGRARIAN
SCIENCE OF UZBEKISTAN**

O'ZBEKISTON AGRAR FANI XABARNOMASI

Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва электрификациялаштириш

Astanakulov K.D., Qurbanov A.J. Dukkakli ekinlarni yanchish-ajratish qurilmasi asosiy o'lchamlarining o'zaro bog'liqligini nazariy tadqiq etish.....	69
Abdumalikov A.A., Alimov F.M. Energiya ta'minot tizimlarida zamonaviy iot texnologiyalari yordamida energiya samaradorligini oshirishning model va algoritmlari.....	82
Ashurov N.A. Lalmi yerlarda g'allani o'rib-yig'ib olishda kombaynlar uchun somon yig'ishtirish moslamasini ishlab chiqish va tadqiq etish.....	88
Xakimov B.B., Sharipov Z.Sh., Alikulov S., Ravshanov F. Dizель va bioэтанол ёнилгиларидан сифатли аралашма ҳосил қилиш қурилмаси.....	91
Tўлаганов Б.Қ. Сепаратор дисклари орасидаги масофанинг аралашма таркибидаги уруғ миқдорига таъсирини ўрганиш.....	94
Qurbanov F.Q. Baliqlarga ozuqa tarqatish diskining diametrini tajribaviy tadqiq etish.....	97
Sarmonov N.Ў., Karimov N.P., Rўziқulov Ж.О. Талимаржон сув омбори учун бўғланишнинг ўртача ойлик ҳисоби.....	100

Дехқончилик ва мелiorация

Ostonaqulov T.E., Ismoyilov A.I., Shamsiyev A.A., Amanturdiyev I.X. Plyonkali issiqxona sharoitida o'tatez pishar, tez pishar va o'rtatez pishar navlarning o'sishi va mahsuldorligi.....	102
Ismoyilov A.I., Ostonaqulov T.E., Amanturdiyev I.X. O'ta ertagi ekin sifatida kartoshka navlarining agrotekhnologiyasida ekish muddatlari va mulchalashning ahamiyati.....	104
Bozorov X.M., Халиков Б.М. Қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимида такрорий ва ораліқ экинларнинг гўза ҳосилдорлигига таъсири.....	106
Xayriddinov A.B., Қўрбонov P.O. Значение автоматизации полива дождеванием в теплицах.....	109
Tuxtashev B.B., Бердибоев Е.Ю., Тошпулатов Ч.В., Мавлонов Б.Т. Тупроқ шўрни ювиш-мажбурий агротехник тадбир.....	111

Мевачилик ва сабзавотчилик

Durhodjaev Sh.F., Islamov S.Ya. Asosiy ekin sharoitida etiштириш учун патиссоннинг истиқболли нав намуналарини танлаш.....	114
Turdiyeva F.T. Turli ekish sxemalarida joylashtirilgan bargli salat navlari tarkibidagi quruq modda miqdorlarini o'rganish.....	116
Abduraхimov M.K., Azamov X. Картошканинг шифобахш хусусиятлари ва ундан халқ табобатида фойдаланиш.....	118
Islamov S.Ya., Халмирзаев Д.К. Олча пайвандагларининг совуққа чидамлилиги.....	120
Karimov O.K., Турдиева Д.Т., Ҳасанов Б.А. Шафтоли дарахтларини барг бужмайиши касаллигидан ҳимоя қилиш.....	121
Saimnazarov Ю.Б., Мирзахидов Б.Д., Мирзахидов У.Б., Бекмирзаева Р.Ю. Продуктивность новых сортов и гибридов винограда.....	124

Селекция ва уруғчилик

Abduramanova S.X. In vitro sharoitida shaftolining GF-677 va garnem payvandtaglari turli xil ozuqa muhitlarida kulturaga kiritish.....	127
Boйқobilov У.А., Хусенов Н.Н., Номаматов И.С., Норбеков Ж.К., Мақамов А.Х., Хошимов С.Қ., Маманазаров Ш.И., Мухаммадалиев Р.И., Юлдашова З.З., Рахматова Н.Р. "Gene pyramiding" технологияси асосида олинган bc_3f_4 генотипларининг морфобиологик белгиларини туз стресси муҳитида баҳолаш.....	129

Ўсимликларни химоя қилиш

Қўзиев Т.Б., Зупаров М.А., Мамиев М.С., Таджиев А.Ю. Тупроқда замбуруғларнинг тарқалиши.....	135
Ismatullayeva D., Болтаев М. Пибрина касаллигига қарши курашнинг янги усули.....	137
Akbutayev A.N., Халмуминова G.Q. Хурмо шифобахш дарaxtiga komstok qurtining zarari va qarshi kurash choralari.....	139

Қишлоқ хўжалигида инновацион технологиялар

Egamberdiyev A.I., Arabov D.SH. An analysis of the impact of industrial enterprises on the environment in the framework of modern projects.....	143
---	-----

Дизель ва биоэтанол ёнилги аралашмаси хусусиятлари таҳлили

Аралашма (дизель ёнилгиси:спирт)	Зичлиги, кг/м ³	Аралашма ҳарорати °С	Қовушқоқлик, сСт
99:1(1 % биоэтанол)	860	35	4,2
96:4 (4 % биоэтанол)	855	42	4,2
95:5 (5 % биоэтанол)	852	65	4,1
94:6(6 % биоэтанол)	850	68	3,9
92:8 (8 % биоэтанол)	848	72	3,9
90:10 (10 % биоэтанол)	845	78	3,7
88:12 (12 % биоэтанол)	840	80	3,6
85:15 (15 % биоэтанол)	830	83	2,8

Аралашма таркибдаги биоэтанолнинг миқдорига боғлиқ ҳолда қовушқоқлиги 4,2 сСт дан, 3,6 сСт гача, зичлиги эса 860 кг/м³ дан 830 кг/м³ гача камайган (1-жадвал). Тадқиқотлар натижаларига кўра дизель ёнилгисига 8 фозли биоэтанол аралаштиришнинг мақбул ҳароратлари 60 – 70°С, 10% аралаштирилганда 70 – 75°С, 12% аралаштирилганда 75 – 80°С оралиғида бўлиши аниқланди.

Хулоса

1. Дизель ёнилгиси ва биоэтанол миқдорлашган аралашмасини киздириб узатувчи қурилманинг балиндлиги 150 мм, диаметри 102 мм ва ишчи ҳажми 1,2·10⁶ мм³ этиб олинганда техник шарт талаблари таъминлайди.
2. Дизель ёнилгиси ва биоэтанол аралашмасини ҳосил қиладиган қурилмада аралашма концентрациялари

нисбати 88:12, аралашмиш ҳарорати 80 °С, белгиланган ҳароратда зичлиги 840 кг/м³, қовушқоқлик 3,6 сСт, аралашмиш вақти 10 – 12 дақиқа оралиғида бўлганда сифатли аралашма ҳосил бўлишини таъминлайди.

3. Қурилманинг киздиргичидаги тешикли тарелкалар сони 2 дона ва улар орасидаги масофа 40-50 мм оралиқда олинмиши аралашма ҳароратининг барқарор бўлиши таъминлайди.

4. Қурилмада дизель ёнилгисига биоэтанолни 12 фоз аралаштириб тайёрланган ёнилгини қўллаш билан дизель ёнилгисини бир литридан 12 мл тежалишига ва атмосферага чиқаётган чиқинди газлар миқдорини 25-30% камайишига эришилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Биоэнергетика: мировой опыт и прогнозы развития / Л.С. Орсиқ [и др.]. М.: ФГНУ «Росинформагротех», 2008. – 404 с.
2. Аллаев К.Р. 2000 Энергетика мира и Узбекистана. Аналитический обзор. – Ташкент: Молия, 2007.
3. Хакимов Б.Б., Аширбеков И.А. Об эффективном использовании намагниченного биоэтанолового топлива в ДВС // Agroilm. –Ташкент, – 2018. – № 3. – Б.101-102. (05.00.00; № 3).
4. Биотоплива для двигателей внутреннего сгорания /В.А.Марков (и др.) М.:НИЦ “Инженер” (Союз НИО), 2016.292 с.
5. Дизель ва биоэтанол ёнилгиларидан сифатли аралашма ҳосил қилиш қурилмаси мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Автореф.дисс. 05.20.03. – М. Тошкент, 2019.
6. ГОСТ 33-2000 нефт маҳсулотларини қовушқоқлиги.
7. Дубовкин Н.Ф., Яновский Л.С., Шигабиев Г.М. и др. Инженерные методы определения физико-химических и эксплуатационных свойств топлива. – Казань: Мастер Лайн, 2000.

УЎТ 631.352

Тўлаганов Б.Қ.
“ТИҚХММИ” МТУ

СЕПАРАТОР ДИСКЛАРИ ОРАСИДАГИ МАСОФАНИНГ АРАЛАШМА ТАРКИБИДАГИ УРУҒ МИҚДОРИГА ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ

Аннотация. Чул-яйлов озубабон ўсимликлари уруғли аралашмасини йиғиштирадиган машина сепаратори параметрларини асослашда диски барабан дисклари орасидаги масофанинг йиғиштирилган уруғли аралашма таркибдаги уруғ миқдорига таъсирини ўрганилди.

Калит сўзлар. Чул-яйлов, уруғли аралашма, уруғ миқдори, ротор, дефлектор, бункер, сепаратор, тишли диск, қайтаргич, барабан, бункер туби.

Аннотация. Влияние расстояния между дисками дискового барабана на количество семян в ворохе исследовали при обосновании параметров сепаратора машины, собирающей семя вороха пустынно-пастбищные растения.

Ключевые слова. Пастбище, семенная ворох, количества семян в ворохе, ротор, дефлектор, бункер, сепаратор, зубчатый диск, отражатель, барабан, дно бункера.

O‘ZBEKISTON AGRAR FANI XABARNOMASI

Annotation. The influence of the distance between the disks of a disk drum on mechanical damage to seeds and the number of seeds in a heap was studied when justifying the parameters of the separator of a machine that collects seeds from a heap of desert-pasture plants.

Keywords. Pasture, seed heap, number of seeds in the heap, rotor, deflector, hopper, separator, toothed disk, reflector, drum, hopper bottom.

Кириш.

Жаҳонда чўл-яйловлари деградацияси энг долзарб муаммога айланиб, уларни тиклаш ва бойитиш учун чўл ўсимликлари уруғларига бўлган талаб ортиб бораётган бир даврда чўл ўсимликларининг уруғларини йиғиштиришнинг энергия ва ресурстежамкор технологияси ва техника воситаларини қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда.

Чўл ўсимликлари уруғларини йиғиштиришда иш сифатини ошириш ҳамда ресурсларни тежаш ўз навбатида кам металл ва энергия сарфига эга машиналарни амалиётга кенг жорий этишни тақоза этади. Шу жиҳатдан, чўл ўсимликлари уруғларини талаб этилган даражада кам нобудгарчилик билан йиғиштириб оладиган машиналарни кенг жорий этиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади [1].


Республикамызда Оролнинг қуриган туби ва чўллارга чўл ўсимликлари уруғини экиб, уларда ўсимлик қопламани барпо этиш ишлари ҳажмининг ортиши билан уларга экиш учун керак бўладиган уруғларни сифатли йиғиштириб, экишга тайёрлаб бериш имконини берадиган кам металл ва энергия сарфига эга ресурстежамкор машиналар ва технологияларни ишлаб чиқиш бўйича кенг камровли ишлар амалга оширилмоқда. Чўл ўсимликлари уруғларини йиғиштириш жараёнида, битта агрегат билан чўл ўсимликларини майдалаб йиғиштириш билан бирга майдаланган масса таркибидаги уруғли аралашмаларни ҳам ажратиб кетадиган сепараторга эга машинани ишлаб чиқиш ва уни сепараторнинг юқори иш сифати билан бирга энергия ва ресурстежамкорликни таъминлайдиган параметрларини асослаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади [2].

Тадқиқот натижалари.

Чўл-яйлов озуқабоп ўсимликлари уруғли аралашмасини йиғиштиришда кам энергия сарфлаб, барча технологик жараёнларни сифатли бажарилишини таъминлайдиган машина ишлаб чиқиш бўйича “Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети ва “ВМКВ-Агротех” АЖ олимлари томонидан КХ-Атех-2018-229 «Чўл-яйловларини таназулдан химоялаш ва маҳсулдорлигини оширишнинг самарали техник ечимларини ишлаб чиқиш» (2018-2020) амалий лойиҳаси доирасида янги актив сепараторлар билан жихозланган уруғли аралашмани йиғиштирадиган машина ишлаб чиқилди.

Чўл-яйлов озуқабоп ўсимликларининг уруғли аралашмасини йиғиштирадиган машина қуйдаги қисмлардан ташкил топган: ротор, ротор пичоклари, дефлектор, қайтаргич, сепаратор барабанлари, бункер поддони, бункер туби.

Чўл-яйлов озуқабоп ўсимликларининг уруғли аралашмасини йиғиштирадиган машинанинг технологик иш жараёни қуйдаги тарзда кечади. Машина дала бўйлаб ҳаракатланаётганда ротор 1 нинг (1-расм) пичоклари 2 томонидан кесиб олинган ва қисман майдаланган ўсимлик бўлаклари (кейинги ўринларда уруғли аралашма) пичоклар ҳосил қилган ҳаво оқими таъсирида дефлектор 3 орқали бункер 4 га йўналтирилади (транспортровка қилинади) ва ўз ҳаракати давомида қайтаргич 5 га бориб урилади. Ундан қайтган уруғли аралашма сепаратор 6 га тушади. Бу даврда шуни таъкидлаш ўринлики, юқорида таъкидланган жараёнларнинг таъсирида уруғли аралашмаларнинг йирик поялардан ажралиши содир бўлади.



1-ротор 2-ротор пичоклари 3-дефлектор 4-бункер 5-қайтаргич 6-сепаратор
7-сепаратор барабанлари 8-тишли диск 9-бункер поддони 10-бункер туби

1-расм. Чўл озуқабоп ўсимликларининг уруғли аралашмасини йиғиштирадиган машинанинг технологик иш жараёни

Сепараторга келиб тушган уруғли аралашма унинг барабанлари 7 га ўрнатилган тишли дисклар 8 томонидан барабандан-барабанга узатилади ва узлуксиз оқим

қўринишида сепараторнинг чиқиш қисмига ҳаракатланади. Бунда уруғ ва майда аралашмалар барабанининг тишли дисклари орасидан ўтиб, бункер тубига тушади, йирик поя

O‘ZBEKISTON AGRAR FANI XABARNOMASI


бўлаклари сепараторнинг охиригача бориб озукка сифатида фойдаланиш учун тиркамага юкланади ёки органик ўғит сифатида ерга сочиб кетилади

Чўл-яйлов озукабоп ўсимликлари уруғли аралашмасини йиғиштирадиган машинани ишлаб чиқариш учун лойиҳа-конструкторлик хужжатлари «ВМКВ-Агromash» АЖда ишлаб чиқариш жараёнига жорий этилган. Чўл яйлов озукабоп ўсимликлари уруғли аралашмасини йиғиштирадиган машина Жиззах вилояти Фориш туманидаги фермер хўжаликлари ва «ВМКВ-Агromash» АЖ

нинг тажриба далаларида синовдан ўтказилди.

Чўл-яйлов озукабоп ўсимликлари уруғли аралашмасини йиғиштирадиган машина сепаратор дисклари орасидаги масофа чўл озукабоп ўсимликлари уруғли аралашма таркибидаги уруғ нисбатига сезиларли даражада таъсир кўрсатиши аниқланди.

Тажрибаларни олиб боришда сепаратор барабани дисклари орасидаги масофани кичиклаштириш ва катталаштириш бўйича аралашма таркибидаги уруғлар миқдори ўрганилди (2-расм).




2-расм. Барабанинг дисклари орасидаги масофани аниқлаш

Тажрибаларда агрегатнинг ҳаракатланиш тезлиги 4,0, масофа 6 мм интервал билан 44 мм дан 68 мм гача 6,0 ва 8,0 км/ҳ этиб белгилаб олинди, дисклар орасидаги ўзгаририлди.

1-жадвал

Сепаратор дисклари орасидаги масофани аралашма таркибидаги уруғ миқдорига таъсири

Агрегат тезлиги км/ҳ	Дисклар орасидаги масофа, мм				
	44	50	56	62	68
	аралашмадаги уруғ миқдори %				
4	23	28	38	29	31
6	22	31	46	32	30
8	25	29	43	38	36



1, 2 ва 3-мос ҳолда агрегат тезлиги ўртача 4, 6 ва 8 км/ҳ

3-расм. Аралашма таркибидаги уруғ миқдорининг дисклар орасидаги масофага боғлиқлик графиги

Аралашма таркибидаги уруғ миқдорининг дисклар орасидаги масофага боғлиқ равишда ўзгариши 1-жадвал ва 3-расмда келтирилган. Уларнинг таҳлили ва олиб борган кузатувларимиз шунни кўрсатадики, сепаратор дисклари орасидаги масофа 55 mm дан кичик бўлганда аралашма дисклар орасидан ўтишга улгурмайди ва уларни дисклар орасига тикилиб қолиши содир бўлади. Ораліқ масофа 56 mm дан катта бўлганда эса йирик пояларни дисклар орасидан ўтиши натижасида бункердаги аралашма таркибида уруғлар миқдорини камайиши кузатилади.

Уруғли аралашма таркибидаги уруғ миқдорининг дисклар орасидаги масофага боғлиқ равишда ўзгаришини хар учала ҳаракат тезлигида ҳам қавариқ парабола

қонуниятлари бўйича юз берган ва уни қуйидаги эмпирик формулалар билан ифодалаш мумкин:

$$Y_2 = -0,101a^2 + 11,61a - 293,7$$
$$Y_2 = -0,049a^2 + 5,838a - 138,0$$
$$Y_2 = -0,061a^2 + 7,405a - 183,1$$

Хулоса.

Чўл-яйлов озукабоп ўсимликлари уруғли аралашмасини йиғиштирадиган актив сепараторли машинаси бўйича ўтказилган тажрибаларининг натижалари бўйича шундай хулоса қилиш мумкин. Сепаратор дискли барабани дисклар орасидаги масофа 50-56 mm оралігида бўлиши йиғиштирилган уруғли аралашма таркибидаги уруғ миқдори талаб даражасида бўлиши аниқланди.

Адабиётлар

1. Тўлаганов Б.Қ. Чўл-яйлов озукабоп ўсимликлари уруғли аралашмасини йиғиштирадиган машина сепаратори параметрларини асослаш. Автореф. дис...PhD., - Тошкент, 2023.
2. Тўлаганов Б.Қ., Бозорбоев А. Чўл яйлов ўсимликлари уруғини йиғиштирадиган машинанинг дастлабки синов натижалари // Агро илм Тошкент, 2022. - №2 (80).
3. Садилов А.Н. Тўлаганов Б.Қ., Худойкулов Р. Чўл яйлов озукабоп ўсимликлари уруғини йиғувчи машина // Ўзбекистон кишлок ва сув хўжалиги журнали. – Тошкент, 2019. – махсус сони.

UO'T 631.36

Qurbonov Fazliddin Qulmamatovich
“Qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalashtirish va avtomatlashtirish” kafedrası t.f.b. (PhD)
Toshkent davlat agrar universiteti
fazliddin2711986@mail.ru

BALIQLARGA OZUQA TARQATISH DISKINING DIAMETRINI TAJRIBAVIY TADQIQ ETISH

Respublikamizda intensiv usulda baliq yetishtirishni bosqichma-bosqich yo'lga qo'yish va rag'batlantirish, mavjud suv resurslaridan samarali foydalanish, sohaga innovatsion g'oyalari, ilmiy ishlanmalar, zamonaviy texnologiyalar va ilm-fan yutuqlarini keng ko'lamda joriy qilish, hamda baliqlarni oziqlantirishda mexanizatsiyalashgan qurilmalardan foydalanish inson qo'l mehnatidan voz kechishni talab etadi.

Kalit sozlar: baliq mahsuloti, oqsil manbai, eksponent, ozuqa tarqatgich, baliq tirik vazni, Akvakultura sanoati.

Экспериментальное исследование диаметра распределительного диска корма для рыб

Поэтапное внедрение и продвижение интенсивного рыбководства в нашей республике, эффективное использование существующих водных ресурсов, широкое внедрение инновационных идей, научных разработок, современных технологий и научных достижений в отрасли, а также использование механизированных устройств в кормлении рыбы. требует отказа от ручного труда человека.

Ключевые слова: рыбная продукция, источник белка, эксцент, распределитель корма, живая масса рыбы, индустрия аквакультуры.

Experimental study of the diameter of the distribution disk of fish feed

The gradual introduction and promotion of intensive fish farming in our republic, the efficient use of existing water resources, the widespread introduction of innovative ideas, scientific developments, modern technologies and scientific achievements in the industry, as well as the use of mechanized devices in fish feeding. requires the abandonment of human manual labor.

Key words: fish products, protein source, exhibitor, feed distributor, live weight of fish, aquaculture industry.

Қирш

Baliqchilik xo'jaliklariga birlashtirilgan suv havza maydonlaridan ilmiy yondashuv asosida samarali foydalanish, ularning meliorativ holatini yaxshilash, shuningdek, resurs tejankor texnologiyalar va innovatsiyalarni keng ko'lamda joriy qilish ishlariga yetarlicha e'tibor berilmasdan kelmoqda. Insonlar uchun oziq-ovqat oqsil manbai sifatida baliqlardan foydalanishning eksponent o'sishi yurtimizda ham baliqlarga

bo'lgan talabni oshirdi [1]. Baliqlarni oziqlantirish qurilmalari intensiv usulda yetishtirish, ovlash va qayta ishlash uchun zarur asbob-uskuna, anjom va mexanizmlarni mahalliy ishlab chiqarish yo'lga qo'yilmagan. Buning oqibatida ko'plab tadbirkorlar vaqt va mablag'ini ortiqcha sarflab, ularni chet eldan xarid qilmoqda. Baliqchilik sohasiga to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalarni kiritish ishlari lozim darajada tashkil etilmagan, bu borada xorijiy davlatlar va tashkilotlar bilan samarali, o'zaro